

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04.30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
Бир марталик илмий кенгаш
АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ЗАРИПОВА ДИЛНОЗА ЯШИНОВНА

**КЛИНИК-МОРФОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН
ҲОЛДА ПРЕМЕНОПАУЗАЛ ОСТЕОПОРОЗНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШ,
ДАВОЛАШ ВА ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШГА ЗАМОНАВИЙ
ЁНДАШУВ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of the doctor of science (DSc)

Зарипова Дилноза Яшиновна

Клиник-морфологик жихатларни ҳисобга олган ҳолда пременопаузал остеопорозни эрта ташхислаш, даволаш ва башоратлашга замонавий ёндашув.....4

Зарипова Дилноза Яшиновна

Современный подход к ранней диагностике, лечению и прогнозированию пременопаузального остеопороза с учётом клинико-морфологических параметров.....29

Zaripova Dilnoza Yashinovna

A modern approach to early diagnosis, treatment, and prognosis of premenopausal osteoporosis, taking into account clinical and morphological parameters..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work.....59

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.2.DSc/Tib.1291 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Туксанова Дилбар Исмаевна
тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

Тешаев Шухрат Жумаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримова Нилуфар Набижонова-Бухоро давлат тиббиёт институти 3-акушерлик ва гинекология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор;

Логотова Лидия Сергеевна-академик В.И. Краснополский номидаги Москва акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти етакчи мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор;

Баландина Ирина Анатолевна-академик В.Е. Вагнер номидаги Пермь давлат тиббиёт институти нормал, топографик, клиник анатомия ва жарроҳлик кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23 уй. Тел./факс: +99865 223-00-50; Веб-саҳифа: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23 уй. Тел./факс: +99865 223-00-50; Веб-саҳифа: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Д.Т. Ходжиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

КИРИШ (тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Пременопауза даври аёлнинг репродуктив тизимида кузатиладиган регрессив жараёнлар билан кечади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, аёллар пременопаузал даврга ўтиши билан суяк массасининг аста-секин камайиш жараёни кузатилади. Бу ҳолат ушбу ёшдаги аёлларнинг 34,0% гача бўлган қисмига таъсир кўрсатиб, уларда суяк тўқимасининг ғовак ва компакт қисмларининг аста-секин камайиб бориши билан ифодаланади. "...остеопороз суяк тўқимасининг тез парчаланиши, организмда кальций миқдори ва унинг ичакларда сўрилишининг пасайиши ва стероид гормонлар миқдорининг камайиши натижасида ривожланади. Бу ўзгаришларнинг менопаузадан олдин бошланиши эса ушбу даврнинг аёл ҳаётида муҳимлигини таъкидлайди..."¹. Менопауза даврида эстроген ишлаб чиқаришнинг пасайиши билан боғлиқ суяк тўқималарининг парчаланиш жараёни фаолроқ бўлганлиги туфайли аёлларда остеопороз эркакларга қараганда кўпроқ учрайди. Остеопороз ривожланишининг асосий сабаби жинсий гормонлар етишмовчилиги билан боғлиқ бўлиб, бу суяк тўқимасида метаболизмнинг тезлашиши ва қайта тикланиш жараёнларидан кўра парчаланиш жараёнларининг устунлигига олиб келади."...аёлларда суяк тўқимасининг парчаланиш тезлиги менопауза бошланганидан сўнг дарҳол йилига тахминан 2-3% га ошади ва суяк массаси геометрик прогрессия бўйича камаяди. Остеопорознинг олдини олиш ва даволаш ҳамда синишларнинг олдини олиш учун суяк тўқималарининг энг фаол парчаланиш даврини ва остеопороз ривожланиш хавфи юқори бўлган даврни аниқлаш муҳимдир..."² Ушбу муаммони ҳал қилиш амалий гинекология учун муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда аёлларда, жумладан, пременопаузал даврда остеопения ва остеопорознинг шаклланиши, ривожланишини ўрганиш бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "...жинсий гормонларнинг суяк тўқимасига таъсири ва уларнинг таъсир механизмини аниқлаш бўйича илмий ишлар эътиборни тортади, аммо, улар бугунга қадар тўлиқ ўрганилмаган..."³ Ёш ўтиши билан аёлларда тухумдонлар томонидан жинсий гормонлар ишлаб чиқарилиши камаяди, бу эса суяк метаболизмнинг тезлашишига ва суяк массасининг камайишига олиб келади. Назарий ва амалий тиббиётнинг муҳим вазифаларидан бири минераллар алмашинуви бузилиши, метаболик ўзгаришларни эрта ташхислашнинг башорат маркерларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда пременопаузал даврда профилактика чораларини танлаш соғлиқни сақлаш ходимлари дуч келадиган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, бунда ушбу ёшда остеопорозни даволаш эмас, балки ҳаёт сифатини пасайтирадиган бир неча асоратларга олиб келиши мумкин бўлган патологиянинг олдини олиш устувор вазифа бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида тиббиётнинг асосий устувор йўналиши турли патологиялар, хусусан, пременопауза давридан бошлаб остеопорознинг олдини

¹ Вербовой А.Ф., Пашенцева А.В., Шаронова Л.А. Остеопороз: современное состояние проблемы. Терапевтический архив. 2017;89(5):90-97.

² LeBoff M.S., Greenspan S.L., Insogna K.L., Lewiecki E.M., Saag K.G., Singer A.J., Siris E.S. The clinician's guide to prevention and treatment of osteoporosis. Osteoporos Int. 2022 Oct;33(10):2049-2102. doi: 10.1007/s00198-021-05900-y.

³ Shieh A., Greendale G.A., Cauley J.A., Karvonen-Gutierrez C., Crandall C.J., Karlamangla A.S. Estradiol and Follicle-Stimulating Hormone as Predictors of Onset of Menopause Transition-Related Bone Loss in Pre- and Perimenopausal Women. J Bone Miner Res. 2019 Dec;34(12):2246-2253. doi: 10.1002/jbmr.3856. Epub 2019 Oct 24. PMID: 31442329; PMCID: PMC7963392.

олишга қаратилган профилактик тиббиёт ҳисобланади. Бу борада кенг қамровли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармонида репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, перинатал марказларни зарур тиббий техника ва ускуналар билан жиҳозлаш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш вазифалари белгиланган. Сўнгги беш йилда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий сиёсат самарали қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш имконини берди. Пременопаузал даврда аёл ўзининг ижтимоий-иқтисодий фаоллияти чўққисига етганлиги туфайли унинг ҳаёт сифатини ошириш мамлакат тараққиётига муҳим ҳисса қўшишига олиб келди.

Тақдим этилган иш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 сентябрдаги ПҚ-296-сон "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2023 йил 20 июндаги ПҚ-197-сон "Маъмурий ислохотлар доирасида соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларида белгиланган вазифаларни бажаришга ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Пременопауза даврида остеопороз ва минерал бузилишларнинг этиопатогенетик механизмларини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, халқаро ассоциациялар ва олий таълим муассасалари, жумладан, (FIGO) Халқаро акушер-гинекологлар федерацияси, (ACOG) АҚШ акушер-гинекологлар ҳамжамияти; NAMS (Шимолий Америка Менопауза Жамияти); (EAMS) Европа Менопауза ва Андропоуза Жамияти; (NIA) (Қаришни ўрганиш бўйича миллий институт, АҚШ); University of Brescia, (Италия); University of Southern Denmark, Mercy Hospital for Women, University of Melbourne (Австралия); University of Oxford (Англия); King Saud University (Саудия Арабистони); University Saitama (Япония); Академик В.И.Кулаков номидаги акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази (Россия), Марат Оспанов номидаги Ғарбий Қозоғистон тиббиёт университети (Қозоғистон); Республика ихтисослаштирилган акушерлик илмий-амалий тиббиёт марказларида амалга оширилди. Пременопаузал даврда остеопорозни эрта ташхислаш ва хавфсиз даволашни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотларда онкопатологияларнинг олдини олиш учун эндометрийга минимал таъсир кўрсатиш нуқтаи назаридан бир қатор илмий янгиликлар яратилган, жумладан: эндометрий сезувчанлигининг иммуногистокимёвий натижалари ва биокимёвий маркерларга қараб беморларни олиб бориш протоколлари ишлаб чиқилган; ҳаётнинг пременопаузал даврида остеопороз патогенезида турли омилларнинг ҳиссасини ўрганиш бўйича маълумотлар олинган (ACOG, FIGO); пременопаузал даврида остеопорозни эрта ташхислашда минерал алмашинувининг биокимёвий

ва иммунологик маркерларининг роли исботланган (Medical University Vienna, Австрия).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида остеопорозни эрта ташхислашда биокимёвий, иммунологик маркерларнинг ролини ўрганиш бўйича қатор илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда, шунингдек, эндометрийга индуцирловчи таъсир кўрсатмасдан суякларнинг минерал зичлигини ошириш бўйича комплекс ёндашув ишлаб чиқилган бўлиб, у МГТ усули билан даволаш жараёнида иммуногистокимёвий тадқиқот усули билан таҳлил қилиш орқали онкопатология хавфини баҳолаш имконини беради.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан остеопороз ижтимоий-иқтисодий ва тиббий параметрлар бўйича юрак-қон томир касалликлари, саратон ва қандли диабет каби кенг тарқалган касалликлар орасида тўртинчи ўринни эгаллайди. Бунинг сабаби, биринчидан, бу касалликнинг ниҳоятда кўп тарқалганлиги ва тобора кўпайиб бораётганлигидир. Денситометрия маълумотларига кўра, остеопороз 50 ва ундан катта ёшдаги аёлларнинг 30 % ва эркакларнинг 20 % да аниқланиб, бу дунё бўйлаб жами 12 миллиондан ортиқ одамни ташкил қилади. Иккинчидан, остеопорознинг тиббий аҳамияти унинг юқори ногиронлик ва ўлим сабабларидан бири бўлган умуртқалар ва скелетнинг бошқа суякларининг синиши кўринишидаги оғир оқибатлари билан белгиланади (Johnston С.В.,2020, Kanis J.А.,2022, Anagnostis P., Mornar M., 2024).

Замонавий маълумотларга кўра, сайёрамиздаги аёллар, аҳолисининг 10 % ни постменопауза ёшидаги аёллар ташкил этади ва ҳар йили уларга яна 25 миллион киши қўшилмоқда. 2030 йилга бориб 50 ёшдан ошган аёллар сони 1,2 миллиардга етиши кутилмоқда. Остеопороз туфайли юзага келадиган синишлар ногиронлик ва кекса ёшда умр кўриш давомийлиги қисқаришининг асосий сабабларидан биридир. Европада 60-70 ёшдаги ҳар саккизинчи аёл, АҚШда эса ҳар тўртинчи аёл шундай синишларга дуч келади. Россияда менопаузал остеопороз билан оғриган аёлларда синиш частотаси 100 000 кишига 115,5 тани ташкил қилади (Майлян Э.А., Чужикова В.Ю.,2022, Савченко Т.Н., Филяева А.С.,2024).

Дунёдаги шаҳар аҳолиси орасида 40-45 ва ундан катта ёшдаги ҳар тўртинчи аёл камида битта синиш қайд этилган. Остеопорознинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти остеопоротик синишларни даволаш билан боғлиқ бўлган соғлиқни сақлашнинг улкан харажатлари билан боғлиқ. Касалликнинг иқтисодий аҳамияти ҳам юқори бўлиб, у узок муддат давом этадиган даволаниш ва доимий кузатувни талаб қилиши, бу эса ўз навбатида соғлиқни сақлаш тизимига сезиларли миқдорда харажатларнинг ошишига олиб келиши мумкинлиги билан асосланади. Шу боис, остеопорозни эрта аниқлаш, олдини олиш ва ўз вақтида даволаш замонавий тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасининг энг долзарб вазифалари ҳисобланади (Рустамова У.М.,2015, Аббосхужаева Л., Мирзаева Ю.К.,2017, Кучкарова Ш.А.,2019).

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ "COVID-19 пандемиясидан кейинги даврда Бухоро вилояти

аҳолисига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, касалликларни эрта ташхислаш ва олдини олишнинг янги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш" (07. 2025.DSc.226) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Клиник-морфологик кўрсаткичларнинг остеопороз маркерлари билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш ва пременопаузал даврдаги аёлларда остеопорозни эрта ташхислаш ва давони оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пременопауза ёшидаги аёллар гормонал ҳолатининг ролини ва унинг суяклар ремоделланишига таъсирини аниқлаш;

пременопауза ёшидаги аёлларда суяк резорбцияси маркерлари: матрикс оксиллари P1NP (N-терминал телопептид), С-терминал телопептид (β -crosslaps), шунингдек, баъзи макроэлементларнинг прогностик қийматини ўрганиш;

пременопауза давридаги аёллар иммунитет ҳолатининг оксил-минерал алмашинуви бузилишлари ривожланишидаги ролини ўрганиш.

пременопауза ёшидаги аёлларнинг гормонал ҳолатини баҳолашда иммуногистокимёвий (ER, PR, Ki-67, BCL-2) ва гистологик текширувлар натижалари асосида дифференциал терапия турини танлаш;

пременопауза давридаги аёлларда остеопороз ривожланишини ташхислаш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида менопаузадан олдинги даврда остеопороз ривожланишининг хавф омиллари бўлган 255 нафар аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Текширилаётган аёлларнинг минераллар алмашинувининг асосий кўрсаткичларини ўрганиш учун қон намуналари олинди. Шунингдек, қуйидаги муолажалар ўтказилади: суяк тўқимаси ҳолатини баҳолаш учун ИЭРА (икки энергияли рентген абсорбциометрияси); Репродуктив тизим ҳолатини баҳолаш учун бачадон УТТ текшируви; Эндометрий тўқимаси намуналарини унинг тузилиши ва функционал фаоллигини ўрганиш учун иммуногистокимёвий таҳлил қилиш.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда умумклиник, инструментал, ультратовуш, биокимёвий, иммунологик, гормонал, иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фолликулостимулловчи гормоннинг ошиши ва эстрадиолнинг пасайиши суяк минерал зичлиги (sBMD (мг/см²)) нинг камайиши билан бевосита боғлиқ эканлиги аниқланди, бу пременопауза остеопорозининг ривожланишида гормонал мувозанатнинг ҳал қилувчи аҳамияти исботланган;

P1NP (N-терминал телопептид), С-терминал телопептид (β -crosslaps), кальций, магний ва фосфорнинг сийдикдаги экспрессиясини кўпайиши пременопаузал аёлларда остеопорозни башорат қилишда суяк резорбцияси маркерлари сифатида баҳоланиши асосланган;

иммун тизимининг энг муҳим биомаркерлари бўлган IL-1 β , TNF- α нинг ошганлиги, IL-4 нинг эса камайганлиги ва биокимёвий маркерлар витамин 25(OH)D остеопороз жараёнини чуқурлашишини намоён этувчи асосий лаборатор кўрсаткич эканлиги асосланган;

қўлланилган даво натижасида иммуногистокимёвий пролиферация маркерлари ER, Ki-67 экспрессиясининг пасайиши, PR, BCL-2 апоптоз маркери

экспрессиясининг ортиши, шунингдек, эндометрий гиперплазиясининг камайиши, гормонал мувозанат ҳамда эндометрий тузилмасининг тикланиши исботланган;

дифференциаллаштирилган даволаш усули асосида пременопаузал даврда остеопорозни эндометрий учун хавфсиз тарзда даволаш ва эрта ташхислашни таъминловчи алгоритм ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пременопаузал даврда стероид гормонлар мувозанатининг бузилиши суяк минерал зичлигини пасайишига натижа сифатида эса остеопороз хавфини ошириши аниқланган;

пременопаузал даврдаги аёлларда суяк тўқимаси ремоделланиш жараёнини баҳолашда суяк резорбцияси маркерлари PINP (N-терминал телопептид), С-терминал телопептид (β -crosslaps), сийдикдаги кальций, магний, фосфор, қондаги Д3 витаминининг юқори башоратловчи аҳамияти тасдиқланди;

минераллар алмашинуви бузилиши билан боғлиқ тизимли яллиғланишни акс эттирувчи иммунологик маркерлар (IL-1 β , TNF- α , IL-4,) ҳамда витамин 25(OH)D нинг диагностик аҳамияти аниқланган;

гистологик ва иммуногистокимёвий кўрсаткичлар натижаларини ҳисобга олиш менопаузадан олдинги даврда эндометрий саратон хавфини минималлаштириш учун менопаузал гормонал терапия усулларини танлаш имконини берган;

пременопаузал даврда остеопороз хавфини эрта ташхислаш ва дифференциаллаштирилган даволаш учун бирламчи тизим фаолиятида фойдаланиладиган алгоритм ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, асосланган тадқиқот усуллари (биокимёвий, гормонал, иммунологик, иммуногистокимёвий) қўлланилганлиги, танланманинг репрезентативлиги, текширилувчилар сонининг етарлилиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, стандарт халқаро диагностика мезонлари ва шкалаларидан (FRAX, STRAW, MRS) фойдаланилганлиги, статистик маълумотларни қайта ишлаш усуллари қўлланилганлиги, фарқлар ишончлилиги, корреляцион боғлиқликлар кучи, пременопаузал даврда остеопорозни башорат қилиш учун ROC-таҳлили, қўлланилган даволаш усуллари ва уларнинг кўрсаткичлари самарадорлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қўлланилган гормонал ва минераллар алмашинуви, беморларнинг иммунологик ҳолати, перименопауза давридаги аёлларда ўринбосар гормонал терапияга жавобан эндометрийнинг иммуногистокимёвий кўринишларини ташхислаш усулларининг башоратловчи қийматини аниқлаш, остеопорознинг олдини олиш учун минераллар алмашинуви бузилиши маркерларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, ушбу тоифадаги профилактик терапиянинг самарадорлигини исботлаш билан изоҳланади. Шунингдек, тадқиқот ушбу даврга хос аёллар организмидаги ўзгаришларни ўрганишда акушерлик ва гинекология соҳасидаги илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшади. Олинган натижалар назарий ва амалий тиббиётда янги жиҳатларни очиб беришга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар пременопаузал даврдаги аёлларда остеопороз бўйича хавф гуруҳини аниқлаш, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, беморларнинг гормонал, иммунологик ва минерал ҳолатини аниқлаш, эстрадиол танқислиги билан боғлиқ бўлган атравматик синишларни олдини олиш учун ушбу даврдаги аёлларнинг биокимёвий маркерлар, эндометрийнинг иммуногистокимёвий рецептор сезувчанлиги маркерларига асосланиб, индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда МГТни танлаш билан изоҳланади. Ушбу патологиянинг маълум клиник хусусиятлари ва ушбу тоифадаги аёлларда остеопороз ривожланиш хавфини камайтириш учун ишлаб чиқилган профилактик даволаш усуллари, ўз вақтида ташхис қўйиш, даволаш самарадорлигини оширишга ва аёлларнинг саломатлиги, ақлий ва интеллектуал салоҳияти, ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кенг қамровли биокимёвий маркерлар, гистологик, иммуногистокимёвий ва ультратовуш текширувлар асосида пременопаузал даврдаги аёлларда остеопороз механизмларини аниқлаш, эрта ташхислаш ва унинг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш натижаларига асосан:

"Пременопауза давридаги аёлларда қўлланилган гормонал терапия хавфсизлигини гистологик баҳолаш усули" номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт комиссиясининг 30.04.2025 йилдаги №25-т/111-сон маълумотномаси).

"Пременопауза давридаги аёлларда остеопороз ривожланиш хавфини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш" услубий тавсияномаси тасдиқланган (давлат институтининг Эксперт комиссиясининг 30.04.2025 йилдаги №25-т/112-сон маълумотномаси).

Биринчи илмий янгилик: фолликулостимулловчи гормоннинг ошиши ва эстрадиолнинг пасайиши суяк минерал зичлиги (sBMD (мг/см²)) нинг камайиши билан бевосита боғлиқ эканлиги аниқланди, бу пременопауза остеопорозининг ривожланишида гормонал мувозанатнинг ҳал қилувчи аҳамияти исботланган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* остеопороз ривожланишига таъсир қилувчи стероид гормонлар даражасини аниқлаш, шунингдек, уларнинг суяк тўқимаси минерал зичлиги билан ўзаро таъсири суякларнинг ремоделланиш жараёнини баҳолашга ёрдам берди, бу эса пременопаузал даврда остеопорозни даволаш ва олдини олиш тактикасини аниқлашга имкон берди; *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: пременопауза даврида стероид гормонларнинг меъёрлашуви ҳаёт сифатининг яхшиланишига ҳам, келажақда травматик синишлар хавфини камайтиришга ҳам олиб келади; *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* амбулатор хизматга мурожаатлар сонини қисқартириш климактерик синдром ва унинг асоратлари ривожланиши билан боғлиқ тиббий хизматлар, дори-дармонларга сарфланадиган харажатларни камайтириш билан асосланган. Ҳар бир бемор учун стационар даволаниш кунларини қисқартириш ҳисобига 290 000 минг сўмгача иқтисодий самарадорликка эришилди. Беморларнинг умумий сонидан 73 950 000 сўм иқтисод қилинган. *Хулоса:* пременопаузал даврда гормонал циклнинг бузилишини ташхислаш ва остеопороз ривожланиш хавфи билан боғлиқ харажатлар камайтирилди, уларни бартараф этиш

чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан 73 950 000 сўм иқтисод қилинди.

Иккинчи илмий янгилик: P1NP (N-терминал телопептид), C-терминал телопептид (β -crosslaps), кальций, магний ва фосфорнинг сийдикдаги экспрессиясини кўпайиши пременопаузал аёлларда остеопорозни башорат қилишда суяк резорбцияси маркерлари сифатида баҳоланиши асосланган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти* шундаки, ДРА каби функционал диагностика усуллари билан аниқлаб бўлмайдиган суякларнинг минерал зичлиги билан боғлиқ энг кичик ўзгаришларни аниқлашга ёрдам берадиган остеопорознинг биокимёвий маркерлари аниқланди. Бундан ташқари, даволаш жараёнида суяк тўқимаси минерал зичлиги кўрсаткичларини динамикада кузатиш имконияти пайдо бўлди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагича: иш қобилиятининг чўққисида бўлган пременопауза ёшидаги аёллар орасида касалланишни камайтириш мақсадида суяк резорбцияси маркерлари - P1NP (N-терминал телопептид) ва (β -crosslaps) C-терминал телопептид матрикс оксиллари, ҳамда сийдикдаги кальций, магний, фосфор миқдорини лаборатор усуллар ёрдамида текширилди. Бу остеопорозни клиник белгилари ривожланишининг дастлабки босқичларида аниқлаш ва менопаузанинг кейинги босқичларида атравматик синишларни олдини олиш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* шифохонада даволаниш муддатини 5 кунгача қисқартириш ва шу асосда тиббий хизматларга сарфланадиган маблағларни камайтириш билан асосланди. Ҳар бир бемор учун шифохонада даволаниш кунларини қисқартириш ҳисобига 680 400 минг сўмгача иқтисодий самарадорликка эришилди. Беморларнинг умумий сонидан 173 502 000 сўм тежаб қолинди. *Хулоса:* пременопаузал даврида остеопорозни ташхислаш чора-тадбирлари ва юзага келиши мумкин бўлган асоратлари билан боғлиқ бир қатор камчиликлар аниқланди. Уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, натижада бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан 173 502 000 сўм иқтисод қилишга эришилди.

Учинчи илмий янгилик: иммун тизимининг энг муҳим биомаркерлари бўлган IL-1 β , TNF- α нинг ошганлиги, IL-4 нинг эса камайганлиги ва биокимёвий маркерлар витамин 25(OH)D остеопороз жараёнини чуқурлашишини намоён этувчи асосий лаборатор кўрсаткич эканлиги аниқланган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти* остеопороз хавфи бўлган беморларнинг иммунологик ҳолатини аниқлаш ушбу касаллик ва унинг асоратларини эрта ташхислаш учун организмнинг яллиғланиш жараёни билан боғлиқ муҳим цитокинларни аниқлаш имконини беради. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: яллиғланишни кўзғатувчи ва яллиғланишга қарши цитокинларни аниқлаш остеопороз ривожланишида намоён бўладиган организмнинг яллиғланиш жавобининг камайишини, шунингдек, юқорида кўрсатилган жараён билан боғлиқ бошқа касалликларни динамикада баҳолаш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Диагностик чора-тадбирларни қисқартириш ҳисобига амбулатор хизматга тиббий ёрдам учун мурожаат қилиш билан боғлиқ харажатлар камаяди. Шунингдек, лаборатория текширувлари учун ҳар бир бемор ҳисобига 200 000 сўм, жами 255 нафар бемор учун 51 000 000 сўм тежалди. *Хулоса:* пременопаузал даврда остеопороз ташхисида бир қатор камчиликлар ва юзага келиши мумкин бўлган асоратлар аниқланди ҳамда уларни

бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни 51 000 000 сўмга ва ҳар бир бемор ҳисобига 200 000 сўмга тежаш имконини берди.

Тўртинчи илмий янгилик: қўлланилган даво натижасида иммуногистокимёвий гиперплазия маркерлари ER, Ki-67 экспрессиясининг пасайиши, PR, BCL-2 апоптоз маркери экспрессиясининг ортиши, шунингдек, эндометрий гиперплазиясининг камайиши, суяк минерал зичлигининг ортиши, гормонал мувозанат ҳамда эндометрий тузилмасининг тикланишидан далolat берган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Таклиф этилган маркерлар ёрдамида эндометрий гиперпластик жараёнларини эрта ташхислаш ва турли хил даволаш усулларини қўллаш жарроҳлик усулида кузатиладиган асоратларни бартараф этишга ёрдам беради, даволаш жараёнини тезлаштиради ва касалхонада ётиш муддатини қисқартиради. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Пременопаузал даврда бачадондан қон кетишини эрта аниқлаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган усуллардан фойдаланиш қон кетиши билан асоратланган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ва уларнинг стационар даволанишга бўлган эҳтиёжини камайтиришга имкон берди. Таклиф этилган комплекс ёндашув пременопауза давридаги аёлларда геморрагик асоратларни эрта ташхислашда ижобий натижалар бериб, даволаш сифатини ошириш имконини берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Беморнинг шифохонада бўлиш даврида таклиф этилган текширув усуллари қўлланилгандан сўнг ҳомиладор аёлларнинг шифохонада қолиш муддати 9 кундан 5 кунгача қисқарди. Бунда олдинги текширув нархи бир бемор учун 1 414 000 сўмни ташкил этган бўлса, биз таклиф қилган усулнинг нархи 568 500 сўмни ташкил этди. Йил давомида ҳар бир бемор учун 945 499 сўм тежаб қолинди. *Хулоса:* Юқорида келтирилган барча даволаш усуллари комплекс қўлланилганда ушбу касаллик билан боғлиқ харажатлар камаяди, даволаш самарадорлиги ва хавфсизлиги ортади.

Бешинчи илмий янгилик: дифференциаллаштирилган даволаш усули асосида пременопаузал даврда остеопорозни эндометрий учун хавфсиз тарзда даволаш ва эрта ташхислашни таъминловчи алгоритм ишлаб чиқилган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Ушбу натижалар патологик жараёнларга мақсадли таъсир кўрсатиш имкониятини тасдиқлайди, бу эса гиперпластик ҳолатларни даволашда янада аниқроқ ва шахсийлаштирилган ёндашувлар асосида алгоритм ишлаб чиқишга ёрдам беради. Олинган маълумотлар гиперплазиянинг молекуляр механизмларини тушунишга ҳисса қўшади ва терапевтик стратегияларни такомиллаштириш, беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш ҳамда касалликнинг ривожланиш хавфини камайтириш учун қўлланилиши мумкин. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Ушбу ёндашувни клиник амалиётга жорий этиш гиперпластик жараёнларни самарали назорат қилиш ва уларнинг ривожланиш хавфини камайтириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилади. Бу инвазив аралашувларга бўлган эҳтиёжни камайтиради, даволаш харажатларини қисқартиради ва шахсийлаштирилган терапиянинг қулайлигини оширади. Бундан ташқари, тадқиқот натижалари аҳоли саломатлигини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимига ижтимоий юкни камайтиришга ёрдам берадиган гиперплазияни эрта аниқлаш ва даволашга қаратилган профилактика дастурларини

ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Табақалаштирилган индивидуал терапия бир бемор учун 378 000 сўмни ташкил этади, бу эса жами 255 бемор учун 96 390 000 сўмни ташкил қилади. *Хулоса:* Олинган натижалар соғлиқни сақлаш харажатларини оптималлаштириш ва самарали даволаш имкониятларини кенгайтириш учун ушбу терапиянинг салоҳиятини таъкидлайди.

Ушбу услубий тавсиялар пременопауза давридаги аёлларда остеопороз хавфини, климактерик кўринишларни ўз вақтида аниқлаш ва МГТ (менопаузал гормонал терапия)дан фойдаланиш хавфсизлигини баҳолаш, беморларнинг ушбу контингентда атравматик синишлар даражасини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижалари қатор тиббиёт муассасалари, жумладан, Бухоро перинатал маркази гинекология бўлимлари (2025 йил 6 майдаги 30-сонли буйруқ, 2025 йил 6 майдаги 31-сонли буйруқ), Қорақўл туман тиббиёт бирлашмаси туманлараро перинатал маркази (2025 йил 5 майдаги 74-сонли буйруқ, 2025 йил 5 майдаги 75-сонли буйруқ), Андижон 2-сон туғруқ мажмуаси (2025 йил 5 майдаги 21-сонли буйруқ, 2025 йил 5 майдаги 22-сонли буйруқ) амалий фаолиятига жорий этилган. Ушбу муассасаларнинг тиббий фаолиятига татбиқ этилган натижалар пременопауза даврида остеопорозни субклиник ташхислаш, атравматик синишларни олдини олиш, даволаш самарадорлиги ва ҳаёт сифатини ошириш, асоратлар ҳамда ўлим даражасини камайтириш, даволаш харажатларини камайтириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 9 та, жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 204 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Пременопаузал даврдаги аёлларда остеопороз ривожланишининг этиопатогенетик ва диагностик жиҳатларининг замонавий жиҳатлари"** деб номланган биринчи бобида танланган диссертация мавзуси бўйича хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари таҳлил қилинган. Пременопауза даврида аёлларда остеопорознинг тарқалиши, хавф омиллари ва клиник кўринишлари, диагностикаси, шу жумладан

инструментал ва лаборатория тадқиқот усуллари, пременопауза даврида остеопорозни даволаш ва олдини олишнинг замонавий ҳолати, ушбу патологияни башорат қилиш усулларига хусусиятлари тавсиф берилган.

Диссертациянинг **"Пременопаузал даврдаги аёлларда остеопорозни башорат қилишнинг замонавий жиҳатлари бўйича тадқиқот материаллари ва усуллари"** деб номланган иккинчи бобда пременопаузал даврда тадқиқотга жалб қилинган аёлларнинг умумий хусусиятлари келтирилган. Ушбу диссертация тадқиқотини бажариш учун 2023-2025 йиллар давомида пременопаузал даврда остеопороз ривожланишининг хавф омиллари бўлган 255 нафар аёл ўрганилди. Барча аёллар Бухоро вилояти РШТЎИМ Бухоро филиали ва Бухоро шаҳридаги 4-сонли оилавий поликлиникада текширувдан ўтказилди. Текширилганларнинг ўртача ёши $48,93 \pm 0,24$ ёшни ташкил этди.

Кўп учрайдиган соматик нозологиялардан анемия мутлақ етакчи бўлиб, енгил анемия 114 ҳолатда (37,3%), биринчи назорат гуруҳида 20 (6,55%), иккинчи гуруҳида 30 (9,83%), 3-а гуруҳида 22 (7,22%), 3-б гуруҳида 22 (7,22%), 3-в гуруҳида 20 (6,55%) ҳолатда аниқланди. Ўртача даражадаги камқонлик тегишли гуруҳларда 8 (2,6%), 26 (8,5%), 6 (1,96%), 4 (1,31%), 5 (1,63%) тани ташкил этди. Оғир даражадаги камқонлик юқоридаги гуруҳларда мос равишда 4 (1,31%), 9 (2,9%), 1 (0,32%), 2 (0,65%), 3 (0,98%) ҳолатда учради.

Соматик касалликлардан ташқари, пременопаузал даврнинг кечишига бошдан кечирилган гинекологик касалликлар таъсир қилганлиги сабабли, уларни ўрганилаётган гуруҳларда ўрганишга қарор қилинди. ХТЦБ (ҳайз тухумдон циклининг бузилиши) 61 ҳолатда (23,9%) учради. Гуруҳларда улар 1-назорат гуруҳида 3 та (1,17%) ҳолатда, иккинчи асосий гуруҳида 30 та ҳолатда (11,76%), 3-а гуруҳида 10 та ҳолатда (3,92%), 3-б гуруҳида 8 та ҳолатда (3,13%), 3-в гуруҳида 10 та ҳолатда (3,92%) тақсимланган. АМК (аномал бачадондан қон кетиши) 68 ҳолатда (26,6%), 1-назорат гуруҳида аниқланмади, 2-асосий гуруҳида 26 ҳолатда (8,52%), 3-а гуруҳида 12 ҳолатда (3,93%), 3-б гуруҳида 14 ҳолатда (4,59%), 3-в гуруҳида 16 ҳолатда (5,24%). Сурункали эндометрит ўрганилган гуруҳлардаги беморларда 27 (10,58%), 1-назорат гуруҳида 2 (0,78%), 2-асосий гуруҳида 5 (1,96%), 3-а гуруҳида 6 (2,35%), 3-б гуруҳида 8 (3,13%), 3-в гуруҳида 6 (2,35%) беморда кузатилган. Бачадон миомаси 2- ва 3-б гуруҳларда фақат битта ҳолатда 1 ҳолатда (0,39%) учради. Эндометрий полипи 2- ва 3-гуруҳларда 1 тадан (0,39%) ҳолатда учради. Бачадон бўйни полипи 3-а гуруҳида фақат 1 ҳолатда (0,39%).

Кейинчалик таҳлил қилиш ва ишончли маълумотларни олиш учун барча 255 нафар текширилган аёллар 3 гуруҳга бўлинган.

1-гуруҳ-пременопауза даври физиологик кечган аёллар (n=52);

2-гуруҳ-остеопорознинг эрта клиник кўринишлари бўлган, скрининг текшируви ўтказилган, аммо турли сабабларга кўра профилактик коррекцияловчи терапиядан бош тортган аёллар (n=72);

3-гуруҳ даволаш самарадорлиги ва хавфсизлигини (ёрдамчи терапия) таққослаш учун қўлланилган МГТга кўра 3 та кичик гуруҳга ажратилди. Учинчи а) кичик гуруҳ (n=41) климактерик синдром белгиларига қараб 3-6 ой давомида циклик режимда 17-бета-эстрадиол 1 мг ва дидрогестерон 10 мг ни ўз ичига олган "Фемостон" қабул қилди, б) кичик гуруҳ (n=42) 3-6 ой давомида кунига 4 мг дан 1 таблетка тиболон қабул қилди, в) кичик гуруҳ (n=48) кунига 3 марта 1

таблеткадан фитоэстрогенлар қўлланди. Пременопаузал даврда остеопорознинг олдини олиш учун асосий терапия сифатида кальций Д3 кунига 1 таблеткадан 1 марта, витамин Д3 (5.000 бирлик) 6 ой давомида кунига 1 таблеткадан 1 марта, витамин К2 (100 мг) 3-6 ой давомида кунига 1 таблеткадан 1 марта, магний В6 форте кунига 1 таблеткадан 1 марта тавсия этилди. Тасдиқланган остеопороз ташхиси бўлганда золеандрон кислотаси (4 мг) вена ичига инфузия тайёрлаш учун куруқ кукун бир марта қўлланилади. Беморларга медикаментоз даволашдан ташқари, ҳафтасига камида 2 марта жисмоний машқлар кўринишидаги ўртача жисмоний машқлар тавсия этилган бўлиб, бунда бир ёндашувда 10 мартагача ўтириб туриш ва деворга таяниб қўлларни букиш машқлари такрорлаш, шунингдек, бир оёқда тик туриш машқларини ишлаб чиқиш тавсия этилади. Остеопороз асосан умуртқа поғонасига таъсир қилганлиги сабабли, қоматни тик тутиш учун машқлар ва кунига камида 10 дақиқа ўртача тезлик темпидаги ўзгартирилган аэробик машқлар тавсия этилади.

Беморлар ёши ва яшаш жойи бўйича гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқ йўқлиги, бу беморларни тўғри танлаш ва гуруҳларнинг репрезентативлигидан далолат беради. Бунда бошқа клиник хусусиятлар-ташхис, ёндош касалликлар, касалхонага ётқизилгандаги шикоятлар, паритет ва контрацепция усули бўйича бир-бирига яқин маълумотлар олинган.

Барча текширилган аёлларда клиник, клиник-инструментал ва лаборатор текширувлар ўтказилди. Биокимёвий маркерлардан (сийдикдаги кальций, фосфор, магний миқдори), қонда N- ва C-терминал телопептидлар, D3 витамини, гормонлар (эстрадиол, прогестерон, ФСГ, ЛГ, тестостерон), интерлейкинлар (IL-1 β , TNF- α , IL-4) миқдори аниқланди. Барча текширилганларда (n=255) икки абсорбцион рентген таҳлил (ИАРТ остеоденситометрия) ўтказилди.

Бачадондан аномал қон кетишига шикоят қилган 3-а, 3-б, 3-в гуруҳ аёлларида эндометрий тўқимасининг иммуногистохимёвий таҳлили ўтказилди, унда гиперплазия: KI-67, ER, PR ва BCL-2 апоптоз маркерлари аниқланди.

Шу билан бирга, касаллик тарихи, анамнестик маълумотларни тўплаш ва объектив кўрик, лаборатория ва инструментал тадқиқот усуллари натижалари ўрганилди. Олинган барча маълумотлар диссертация ишининг барча тадқиқотлари ҳисобга олинган махсус ишлаб чиқилган код карталрига киритилди. Ҳар бир текширилувчидан биологик материал олиш ва шахсий маълумотларни қайта ишлаш учун ихтиёрий ёзма розилик олинди.

Ушбу диссертация ишида денситометрик тадқиқот усули Stratos dR икки энергияли кўп сайтли остеоденситометр ёрдамида амалга оширилди. Ушбу қурилмада "бутун тана" режимлари мавжуд бўлиб, унда ДХА технологияси асосида қурилган тананинг тўқима таркибини (ёғ, мушаклар ва сув) ўрганиш мумкин, бундан ташқари, у суяк тўқимаси юзаси бирлигига тўғри келадиган гидроксиапатит таркибини аниқлаш имконини беради (икки томонлама энергия), икки ўлчовли сенсорнинг тарқатувчи таъсирларини тўғрилайди. Stratos dR кенг қўламли тадқиқот имкониятларига эга, масалан, умуртқа поғонасининг бел қисми, сон суягининг проксимал қисми, билак суяги, умуртқа поғонасини ён проекцияда текшириш ҳамда тана таркибини ўрганиш мумкин.

ЖССТ экспертлари (WHO, 1994) тавсияларига асосланиб, ультратовушли остеоденситометрияда остеопороз ва остеопения денситометрик кўрсаткич - T-

мезон бўйича верификацияланди, бунда Т-мезоннинг стандарт оғиш қиймати 0,1 меъргача; Т-мезоннинг стандарт оғиш қиймати 1,0 дан 2,5 гача остеопения; Денситометриянинг бошқа кўрсаткичи Т-мезон -1,0 дан юқори ёки -1,0 га тенг "таъсири бор," агар -1,0 дан паст бўлса "таъсири йўқ." Z-балл (қўшимча мезон). Ёши, тана вазнини ҳисобга олган ҳолда меъёрдан четга чиқишни кўрсатади. Агар кўрсаткич 0 дан паст бўлса, унда профилактика чоралари ва қўшимча текширув талаб этилади.

Гематологик кўрсаткичларни аниқлаш учун "HumanCount 30TS/ HumanCount 60TS" автоматик гематологик анализаторидан фойдаланилди. Улар кичик тешикдан ўтаётган ҳужайраларни санаш учун Колтер усулини амалга оширадилар ва эритроцитлардаги гемоглобин миқдорини ўлчайдилар. Кальций, магний, фосфорнинг биокимёвий таҳлили колориметрик усулда амалга оширилди. Стероид гормонлар (эстрадиол, прогестерон, ЛГ, ФСГ) таҳлили ИФА усулида ўтказилди.

Олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш қўйидаги параметрларни ҳисоблаш билан амалга оширилди: ўртача арифметик (М), ўртача арифметик хато (т), ўртача квадратик оғиш, ишончли интервал. Танланмалар ўртасидаги фарқларнинг ўртача қийматлари ва ишончлилик даражасини қиёсий баҳолашда Студент мезонидан фойдаланилди. Тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилидан фойдаланилди.

Диссертациянинг **"Пременопаузал даврдаги аёлларда гематологик, биокимёвий, денситометрик кўрсаткичларнинг хусусиятлари"** деб номланган учинчи бобида клиник, инструментал ва лаборатория тадқиқот усулларидаги натижалари келтирилган. Умумий қон таҳлилида гемоглобин кўрсаткичида ўзгаришлар қайд этилган бўлиб, бошқа кўрсаткичларда референт рақамларга нисбатан ўзгаришлар аниқланмади. Умумий сийдик таҳлилида лейкоцитурия, баъзан сийдик тизими касалликлари бўлган беморларда цилиндрурия қайд этилди, бошқа кузатувларда меъерий кўрсаткичлардан силжиш қайд этилмади. 1-жадвалга қаранг.

1-жадвал.

Даволашдан олдин ўрганилаётган гуруҳларда гормонал ҳолат кўрсаткичлари, (n=255), M±m

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар				
	Назорат гуруҳи (n=52)	2-гуруҳ (n=72)	3-а гуруҳ (n=41)	3-б гуруҳ (n=42)	3-в гуруҳ (n=48)
Эстрадиол (Лютеин фазаси 33,6 – 250,9 нг/мл)	172,9±15,36**^	126,5±7,1	138,1±13,3*	115,9±6,1	101,6±5,83^
Прогестерон (Лютеин фазаси 4,0-25,0 нг/мл)	6,47±0,65	3,28±0,27**	2,76±0,32***^	2,25±0,26***^	3,81±0,48***^
ЛГ (Лютеин фазаси 0,8–10,5 мМЕ/л)	14,10±0,20	20,00±0,50**	19,51±0,34^^	19,62±0,46*^	19,45±0,25^^
ФСГ (Лютеин фазаси 2,0 мМЕ/л)	28,2±0,21	40,00±0,60**	39,01±0,26^	39,23±0,38^	38,9±0,22^
ЛГ/ФСГ нисбати	0,5±0,027	0,51±0,1*	0,53±0,02^	0,56±0,02^	0,54±0,02^
Тестостерон 0-3,1 нмоль/л	2,51±0,05	2,5±0,042	2,6±0,05	2,54±0,04	2,44±0,05
Пролактин 1,2-19,5 нг/мл	7,47±0,41	11,1±0,54*	12,4±0,65**	11,64±0,94**	13,2±0,97***^

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан ишончли (*- $p<0,05$, ** - $p<0,01$), ^ - фарқлар 2-гуруҳ маълумотларига нисбатан ишончли (^ - $p<0,05$, ^^ - $p<0,01$).

Қондаги эстрадиолнинг энг юқори даражаси назорат гуруҳида ($172,9\pm 15,36$ пг/мл) қайд этилган ($p<0,05$), бу 3-б гуруҳидаги кўрсаткичларидан ($115,9\pm 6,1$ пг/мл) сезиларли даражада юқори бўлиб, 1,49 баравар ортиқ эди. Бу бошқа гуруҳлар ўртасида эстрадиолнинг нисбатан юқори даражасини кўрсатиши мумкин, гарчи у меъёр чегарасида қолган бўлсада, 3-гуруҳда эстрадиол даражасининг назорат гуруҳи қийматларига нисбатан нисбатан пасайиши кузатилди.


Назорат гуруҳидан ташқари асосий гуруҳларнинг ҳеч бирида прогестерон таҳлилида ($6,47\pm 0,65$ нг/мл) меъерий кўрсаткичлар аниқланмади. Прогестероннинг энг паст даражаси 3-б гуруҳда ($2,25\pm 0,26$ нг/мл) аниқланган бўлиб, бунда 3-а гуруҳда $2,76\pm 0,32$ нг/мл, ($p<0,01$), 3-в гуруҳда эса $3,81\pm 0,48$ нг/мл ни ташкил этди, $p<0,01$. Ушбу натижалар лютеин фазасининг турли даражадаги етишмовчилигини кўрсатиши мумкин, буни эстроген ва прогестерон ўртасидаги номутаносибликнинг бошланишини кўрсатадиган мезон деб қабул қилиш мумкин. Пременопаузал даврда эстроген даражаси аста-секин пасайганлиги сабабли, прогестероннинг пасайиш динамикаси тенг нисбатда кузатилади, бу икки кўрсаткич ўртасидаги номутаносиблик эндометрий гиперплазиясига олиб келади, бу эса охир-оқибат бачадондан аномал қон кетишига олиб келади. Ушбу ҳолат асосий гуруҳларда (2-гуруҳ ва 3-а, б, гуруҳларда) қайд этилди.

Маълумки, беморнинг гормонал ҳолатини баҳолаш ЛГ ва ФСГ даражаси ва унинг нисбати асосида баҳоланади, чунки айнан шу ёшда репродуктив тизимда ўзгаришлар бошланади. Ушбу гормонларнинг энг юқори кўрсаткичлари иккинчи асосий гуруҳда аниқланиб, бу ерда ЛГ назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 1,42, ФСГ 1,41 баравар юқори эканлиги аниқланди. 3-а гуруҳда ФСГ 1,38 марта, ЛГ 1,38 марта, ФСГ 1,39 марта, 3-б гуруҳда ЛГ 1,38 марта, ФСГ 1,37 марта, 3-гуруҳда ЛГ 1,37 марта, ФСГ 1,38 марта, шу билан бирга ЛГ/ФСГ нисбатининг юқори қиймати иккинчи асосий гуруҳда ҳам қайд этилди. ЛГ нинг энг юқори даражаси 2-гуруҳда аниқланган бўлиб, бу ҳолат ушбу гуруҳдаги беморларда овуляция жараёнларининг компенсатор стимуляцияси кузатилаётганини кўрсатиши мумкин.

Қатор манбалар маълумотларига кўра, пременопаузал ёшдаги аёлларда климактерик ўзгаришларни ташхислашда нафақат ушбу гормонларнинг концентрацияси, балки уларнинг нисбати ҳам биринчи даражали аҳамиятга эга. Шунини таъкидлаш керакки, иккинчи гуруҳда бу кўрсаткич деярли ўзгаришсиз қолди. Ушбу кўрсаткичнинг ўсиши учинчи гуруҳда овуляция жараёнларининг нормаллашганлигини кўрсатади.

Синиш хавфи FRAX шкаласи бўйича баҳоланди, бунда назорат гуруҳида барча sBMD, T-score, Z-score кўрсаткичлари FRAX шкаласини баҳолашда референт қийматларга мос келди, аммо алоҳида натижалар батафсил ўрганилганда, ушбу гуруҳда 52 нафар бемордан 15 нафаридан ($28,8\%$) паст хавф ҳолатлари қайд этилди, қолган 37 нафаридан ($71,1\%$) хавф аниқланмади. Иккинчи гуруҳда ушбу гуруҳдаги 15 нафар беморда ($20,8\%$) FRAX шкаласи бўйича юқори хавф аниқланди, 20 нафар беморда ($27,7\%$), қолган 37 нафаридан ($51,3\%$) хавф аниқланмади. 3-а гуруҳда 41 нафар бемордан 8 нафаридан юқори хавф ($19,5\%$), 13


нафарида (31,7%) ўртача хавф ва 20 нафарида (48,7%) хавф аниқланмади. 3-б гуруҳида 42 нафар бемордан 6 нафарида юқори хавф (14,2%), 14 нафарида (33,3%) ўртача хавф ва 20 нафарида (52,3%) хавф аниқланмади. 3-гуруҳида 48 нафар бемордан 9 нафарида юқори хавф (18,75%), 17 нафарида (35,4%) ўртача хавф ва 22 нафарида (45,8%) хавф аниқланмади. Маълумотлар 1-расмда келтирилган.



1-расм. Тадқиқот гуруҳларида FRAX шкаласи бўйича аниқланган хавфлар даволанишдан олдин % нисбатда

Маълумки, климактерик ўзгаришлар менопауза даврида кузатилади. Барча текширилаётган гуруҳларда истисносиз ушбу шкала бўйича мезонлар баҳоланди, бунда улар -2 (менопаузага ўтиш) шкаласига мос келди - тартибсиз ҳайз кўриш (цикллар ўртасидаги фарқ 1 ҳафтадан ортиқ), ФСГ даражасининг дастлабки ўзгаришлар аниқланди. STRAW+10 таснифи орқали ўтиш босқичини аниқлаш, мумкин бўлган аломатларни тахмин қилиш, шунингдек, МГТ самарадорлигини баҳолаш ёки тавсия этиш мумкин. Бироқ, пременопаузал давр белгиларини, хусусан, климактерик бузилишларни баҳолаш учун бир қатор шкалалар қўлланилади, улардан бири MRS (Menopause Rating Scale) - менопауза давридаги аёлнинг ҳаёт сифатини баҳолаш учун универсал шкала бўлиб ҳисобланади. У 11 та симптомдан иборат бўлиб, улар 3 тоифага бўлинади: психологик, вегетатив ва соматик симптомлар. Симптомларнинг оғирлиги 0 дан 4 гача баҳоланади. Ушбу шкала ёрдамида ўтказилган даволаш самарадорлиги динамикасини кузатиш ва беморлар ҳолатини баҳолаш учун ишлатилади. Охирида юқоридаги барча кўринишлар бўйича барча баллар жамланади. 0 дан 4 баллгача бўлган беморларда яққол симптомлар йўқ, 5 дан 8 гача енгил белгилар, 9 дан 16 гача ўртача белгилар, 17 ва ундан юқори оғир даражадаги климактерик белгилар деб ҳисобланади. Ўрганилаётган гуруҳларда ушбу кўрсаткичини таҳлил қилишда қуйидаги манзара аниқланди. Иккинчи асосий гуруҳда (n=72) 38 нафар (52,7%) беморда 4 баллгача, 9 нафар (12,5%) беморда 8 баллгача, 10 нафар (13,8%) беморда 16 баллгача, 15 нафар (20,8%) беморда 17 баллдан юқори натижалар қайд этилди. 3-а гуруҳда (n=41) 16 (39,0%) нафар беморда 4 баллгача, 13 (31,0%) нафар беморда 8 баллгача, 8 (19,5%) нафар беморда 16 баллгача, 4 (9,7%) нафар беморда 17 баллдан юқори натижалар қайд этилди. 3-б гуруҳда (n=42) 10 нафар (23,8%) беморда 4 баллгача, 15 нафар (35,7%) беморда 8 баллгача, 9 нафар (21,4%) беморда 16 баллгача, 8 нафар (19,0%) беморда 17 баллдан юқори натижалар қайд

этилди. 3-гурухда (n=48) 25 (52,0%) нафар беморда 4 баллгача, 12 (25,0%) нафар беморда 8 баллгача, 7 (14,5%) нафар беморда 16 баллгача, 4 (8,3%) нафар беморда 17 баллдан юқори натижалар қайд этилди. Маълумотлар 2-расм шаклида ифодаланган.



2-расм. Асосий ўрганилаётган гуруҳларда олинган MRS (Menopause Rating Scale) натижалари, даволанишдан олдин % нисбатда, (n=203).

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, энг юқори кўрсаткичлар иккинчи ва 3-б гуруҳларида қайд этилган бўлиб, улар 3-а ва 3-б гуруҳлари натижаларидан деярли 2 баравар юқори бўлган. Климактерик симптомларнинг оғирлиги ва ФСГ, ЛГ, эстрадиол ва прогестероннинг гормонал кўрсаткичлари натижалари ўртасида боғлиқлик мавжудлиги қайд этилган. Гормонал фон мувозанати бузилган беморларда климакс белгиларининг оғирлиги юқори балл кўрсаткичларини қайд этди. Шунингдек, ушбу тоифадаги беморларда ТВУТТ да эндометрийдаги ўзгаришлар ҳам қайд этилган. Ушбу ёшдаги аёлларда деярли 168 нафар беморда (65,88%) вагинал ажралмаларнинг камайиши кузатилди, бу билвосита қонда эстрадиолнинг пасайишини кўрсатади.

Диссертациянинг "**Пременопауза даврида эндометрийнинг морфологик текшируви**" деб номланган тўртинчи бобида пременопаузал даврда остеопорозни даволаш учун қўлланиладиган дори воситаларининг хавфсизлигини баҳолаш учун эндометрийнинг гистологик ва иммуногистохимёвий таҳлили натижалари келтирилган.


Ушбу даврда бачадондан аномал қон кетиши қайд этилган беморлардан эндометрий намунасини олиш одат тусига кирган, чунки гормонал номутаносиблик туфайли репродуктив тизимнинг онкологик ёки рак олди ҳолатлари сони ортиб бормоқда. Бу ҳолат бизни эндометрийнинг гистологик ва иммуногистохимёвий таҳлилини ўтказишга ундади, комплекс даволаш режасига гормонал даволаш кирганлиги туфайли ўтказилаётган терапиянинг самарадорлиги ва хавфсизлигини динамикада баҳолашни талаб қилади. Ушбу тадқиқотда эндометрий намуналарини олиш учун пайпел биопсия орқали олинган намуналарни гистологик ва иммуногистохимёвий таҳлил усулида ўргандик. Маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал


Икки асосий гуруҳда аниқланган гиперплазия турлари ҳолатлари

Гуруҳлар	Оддий гиперплазия	Мураккаб гиперплазия	Атипик гиперплазия	Ишончлили к даражаси (p)
2-асосий гуруҳ (n=72)	18 (25,0%)	7 (9,7%)	1 (1,31%)	p<0,05
3)а гуруҳ (n=41)	9 (21,9%)	6 (14,6%)	-	p<0,05
3)б гуруҳ (n=42)	10 (23,8%)	5 (11,9%)	-	p<0,05
3)в гуруҳ (n=48)	13 (27,0%)	5 (10,41%)	-	p<0,05

Ушбу тадқиқотда гистологик кўринишларни яхшироқ тасаввур қилиш учун намуналарни Ван-Гизон бўйича бўяшга қарор қилинди, 10x10 масштабда ёки 100 марта катталаштирилганда, уни яна 400 марта (10x40) катталаштирдик 3-расмда кўрсатилган.




Оддий гиперплазия



Мураккаб гиперплазия

3-расм. Оддий ва мураккаб без гиперплазиясининг 10x40 (400 марта) катталаштирилган гистологик кўриниши. Ван Гизон усулида бўялди

